ЖАМИЯТ

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 48 (917) 2024 йил 28 ноябрь, Пайшанба



ЙИЛ НОМИ ГЛОБАЛ МУАММО БИЛАН БОҒЛАНДИ

Бугун нафақат Ўзбекистон, балки дунёдаги кўплаб мамлакатлар иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатларини яққол ҳис қилаётганидан ҳаммамиз воқифмиз. Иқлим ўзгаришлари жаҳон миқёсида салбий оқибатларга олиб келмоқда. Ушбу ўзгаришлар инсонлар, экосистемалар ва иқтисодиёт учун турли хил таҳдидларни юзага келтирмоқда. Бунинг салбий оқибатлари нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, ҳароратнинг ошиши оқибатида атмосферадаги парник газлари, асосан углерод диоксиди ва метан газларининг ортиши, ҳароратнинг глобал ошишига сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида кўплаб минтақаларда иссиқликнинг кескин ошиши, иссиқлик толиқишлари ва сув йўқолиши ҳолатлари кузатилмоқда.

Иккинчидан, аҳоли соғлиғига таъсир — Иссиқликнинг ортиши ўз навбатида ишқорий касалликлар, юрак касалликлари, нафас йўллари касалликлари ва ҳароратга боғлиқ ўлим ҳолатларининг ошишини келтирмоқда.

Учинчидан, табиий офатлар ва экстремал ҳаво ҳодисалари — шиддатли ёмғирлар ва сув тортиш ҳолатларини кучайтирмоқда. Бу ҳолатлар турар жойлар, инфратузилма ва фермерлар учун катта хатарга айланмоқда.

Тўртинчидан, қурғоқчилик ва сув танқислиги, айниқса, қишлоқ хўжалигининг ривожланган ҳудудларида жиддий муаммога айланмоқда.

Бешинчидан, одамлар соғлиғига таъсир масаласида қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, сув билан боғлиқ инфекциялар (масалан, холера, дизентерия) ва ҳаво билан боғлиқ беморликлар (астма, бронхит) пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Атмосферадаги зарарли моддалар ва кимёвий чиқиндилар, айниқса, саноат ва транспорт соҳасида, инсон организмига токсик таъсир кўрсатиб, рак касалликлари ва бошқа узоқ муддатли муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари дунё миқёсида катта таҳдидларга олиб келаётгани, бу муаммоларга самарали чоралар кўриш, янги технологияларнинг жорий қилиниши, янги экологик сиёсатлар ва халқаро ҳамкорлик талаб этилаётгани сир эмас.

Мана, юқоридаги мулоҳазалардан ҳам аён бўлаяптики, атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғига зарар етказувчи омиллар асосан, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ эррозияси, чўлланиш, қазилма ёқилғиларни беҳисоб ишлатиш билан боғлиқ. Натижада бу глобал исишга, табиий офатларнинг кўпайишига олиб келади.

Уч йил аввал “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бошланган ҳам бежиз эмас эди. Илк бор ташаббускор сифатида Президентимизнинг қўшни мамлакатлар билан биргаликда Минтақавий иқлим стратегиясини амалга оширишга киришгани ҳам эътиборга молик. Айниқса, бу борада Пойтахтимизда Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришларини ўрганиш университети ташкил этилгани ғоят аҳамиятлидир. Шунингдек, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бу борада қабул қилинган иккита муҳим резолюциянинг ташаббускори бўлгани, айни вақтда “яшил” энергетика иқтисодиётимиз драйверларидан бирига айлангани аҳамиятлидир.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилганлари бежиз эмас. Табиатга эътибор, жамиятга эътибор демакдир. Яшиллик ва кўкаламзорлаштиришгина инсониятни бундай қуткудан, хавф-хатардан сақлаб қолиши мумкин.

«Яшил» иқтисодиёт — бу барқарор тараққиёт ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган иқтисодий моделдир. Хўш, «яшил» иқтисодиётнинг асосий тамойиллари нималардан иборат?

Булар қайта тикланувчи энергия манбалари, ресурсларни самарали ишлатиш, атмосферани муҳофаза қилиш, табиат билан уйғунликда ривожланиш, табиатга зарар етказмасдан, иқтисодий ривожланишга, инновациялар ва технологияларга эришиш масаласи бўлиб, у оламшумул муаммо эканини асло унутмаслик лозим.

Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ,
«ТИҚХММИ»
Миллий тадқиқот университети
профессори

Муносабат



ХАЛҚ ВА ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ «КЎПРИК»

Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг аҳамияти ва роли янада ортиб бормоқда. Фуқаролик жамияти вакиллари нафақат жамият ва давлат ҳаётига жалб этилмоқда, балки уларнинг ўзи ҳам фаол ташаббус кўрсатмоқда. Бу, айниқса, коррупцияга қарши кураш масалаларида тобора ёрқинроқ намоён бўла бошлади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фуқаролик жамияти институтларининг коррупциянинг олдини олишдаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш учун зарурий ҳуқуқий асосларни яратиш борасидаги сиёсий иродаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлар, “Давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Ушбу нормативлар фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалаларига оид ахборотларни тарқатиш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш орқали жамиятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш вазифаларини амалга ошириш учун пойдевор яратди.

(Давоми 2-саҳифада)

ИНТЕГРАЦИЯ САРИ ЙЎЛ

Нигоҳ



Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма йиғилишидаги нутқи Ўзбекистон ташқи сиёсати янги босқичга ўтганини ва мамлакатнинг халқаро майдондаги ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган стратегик режа ишлаб чиқилганини кўрсатади. Устувор йўналишлар халқаро алоқаларни чуқурлаштириш, минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва глобал тизимларда фаол иштирокни таъминлашни ўз ичига олади. Бу стратегия мамлакатнинг геосиёсий аҳамиятини ошириб, миллий манфаатлар билан халқаро тамойиллар ўртасидаги мувозанатни таъминлайди.



(Давоми 3-саҳифада)

Халқ ва давлат ўртасидаги “кўприк”



(Бошланиши 1-саҳифада)

Айни шу мақсадда Агентлик фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат сектор вакиллари билан турли йўналишларда, жумладан, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизликни кучайтириш, коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабабларини, шунингдек, коррупцияга қарши чораларни амалга ошириш самарадорлигини ўрганиш ва таклифлар ишлаб чиқиш, давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишга кўмаклашишда яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Асосийси, бу борада давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлашга оид институционал асосларни яратиш бўйича концептуал қадамлар қўйилди.

Хусусан, Коррупцияга қарши курашиш агентлигида 60 фоиз фуқаролик жамияти вакилларидан иборат Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Кенгаш аъзолари коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар режаларини мониторинг қилиш ва баҳолашда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдиришда, коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим ва инновацияларни жорий этишда фаол иштирок этади.

Шу билан бирга, кенгаш аъзолари давлат органларининг бошқа жамоат кенгашлари билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларнинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш, коррупцияга қарши курашиш воситалари билан танишиш самарадорлиги ва салоҳиятини оширишга кўмаклашади. Масалан, Агентлик Жамоатчилик кенгаши ташаббуси билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбариятининг соҳадаги долзарб муаммолар ва соғлиқни сақлаш тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш ҳолатини баҳолаш бўйича эшитуви ўтказилди.

Жамоатчилик вакиллари давлат органларининг коррупцияга қарши сиёсатининг очиқлигини мониторинг қилиш ва самарадорлигини баҳолаш жараёнларида, шунингдек, ушбу жараёнларни баҳолаш бўйича эксперт комиссиялари таркибига фаол жалб қилинмоқда.

Мисол учун, коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлиги рейтингини мустақил баҳолаш бўйича эксперт гуруҳи таркибида иштирокчиларнинг 33 фоизини, очиқликни таъминлаш соҳасидаги фаолият самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш бўйича комиссия аъзоларининг эса 18 фоизини фуқаролик жамияти вакиллари ташкил этади.

Шубҳасиз, жамоатчиликнинг коррупциянинг олдини олиш жараёнларидаги сифатли иштирокини таъминлашнинг асоси фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим жараёнларини ривожлантиришга қаратилган зарур чораларни кўришдир. Шу боис халқаро стандартлар ва бошқа мамлакатларнинг бу борадаги илғор тажрибаси билан танишиш мақсадида халқаро экспертлар ва хорижий



мамлакатларнинг фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида тизимли равишда тренинглар ўтказилмоқда.

Хусусан, журналистлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва блогерларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги салоҳиятини ошириш, вазирлик ва идоралар ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашларининг ролини ошириш, коррупцияга қарши кураш воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини бойитишга қаратилган тадбирлар ташкил этилмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойида пойтахтимизда аксилкоррупция соҳасида илк маротаба ўтказилган халқаро Медиа Форуми, яқинда бўлиб ўтган IV Тошкент аксилкоррупция форуми ҳам бунга ёрқин мисол.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар халқаро майдонда ҳам кенг эътироф этилди. Буни 2024 йил ноябрь ойида Қозоғистонда бўлиб ўтган БМТ Коррупцияга қарши Конвенциясининг Марказий Осиёдаги имплементациясини жадаллаштириш бўйича Минтақавий платформа йиғилишида кўришимиз мумкин. Йиғилишда юртимизда фаолият юритаётган жамоатчилик кенгашлари давлат органлари очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашдаги ўрнига алоҳида урғу берган ҳолда Марказий Осиё республикаларидаги жамоатчилик кенгашларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш, доимий маслаҳатлашув ва мулоқотлар ўтказиб бориш бўйича таклифлар берилди.

Қолаверса, бу йил май ойига қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини соҳага оид ўзгаришлардан хабардор қилиб бориш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари томонидан 31 та семинар ташкил этилди. Мазкур семинарларга 24 нафар хорижий экспертлар жалб қилинди ва жами 540 та ННТ вакиллари қамраб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш вазифаси доирасида ўқув-дастурига “Коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назоратини амалга ошириш ва жамоатчилик мониторингини ташкил этиш” мавзуси киритилди.

Айтиш жоиз, кенг жамоатчиликнинг билими ва хабардорлигини ошириш фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш имконини беради. Бу нафақат жамиятнинг коррупцияга қарши курашдаги иштироки ва жамоатчилик назоратини оширади, балки давлат органларининг жамият олдидаги жавобгарлигини кучайтирувчи омил бўлади. Шу боис бу борадаги ишлар мунтазам давом эттирилади.

Мамлакатимиз Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони фуқаролик жамияти институтлари вакилларига янги ташаббуслар учун янада куч ва рағбат бергани шубҳасиз. Чунки унда давлат ва жамият тараққиётида уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш ҳамда саъй-ҳаракатларини муносиб қўллаб-қувватлашга қаратилган катта имкониятлар, муҳим имтиёзлар белгиланди.

Фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жараёнларини рақамлаштириш асосий вазифалардан бири этиб белгиланган бунга мисол. Сир эмас, танловларда иштирок этиш учун аризалар бериш, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, ғолибларни танлаш, молиялаштириш, жорий ва якуний мониторинг каби жараёнларда инсон омили қанча кўп бўлса, холислик, адолат ва соғлом рақобатга ишонч даражаси шунча паст бўлади. Бундай шароитда қоғозбозлик, расмиятчилик, турли оворагарчилик ва бюрократик тўсиқларга, коррупцияга тўқнаш келиш мумкинлиги ҳам масаланинг яна бир оғриқли томони.

Шу нуқтаи назардан Фармон билан эндиликда фуқаролик жамияти институтларига давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларини ажратиш билан боғлиқ барча жараёнларини ягона электрон платформа орқали амалга ошириш кўзда тутилгани аввало, очиқликни таъминлашга, илғор ташаббусларни илгари суриш борасида рақобатни янада кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Бундан ташқари, фуқаролик жамияти институтларига муайян имтиёзлар берилаётгани ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Масалан, давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари раислари фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасидан тасдиқланиши, ҳар йили жамоатчилик кенгашларининг фаолияти самарадорлиги баҳоланиши ва унинг натижалари эълон қилиниши, жамоатчилик кенгашларининг фаол аъзолари давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириб борилиши белгиланиши давлат органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати ўрнатилишига, уларнинг фаолиятида шаффофлик ва очиқлик тамойиллари янгича кўринишда намоён бўлишига замин яратади.

Дарҳақиқат, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат органлари ва ташкилотлари ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ўрганиш, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар бериб борилмоқда.

Жумладан, яқинда ўтказилган ўрганиш доирасида 70 дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлар, шу жумладан қуйи бўғиндаги ижро органлари – маҳаллий ҳокимликлар ҳам қамраб олинди. Бунда давлат органида Жамоатчилик кенгашларини шакллантиришга оид меъёрларга амал қилинганидан тортиб кенгашлар тўғрисида очиқ маълумот сифатида расмий веб-сайтга жойлаштирилиши керак бўлган маълумотлар ва уларнинг янгилаб борилиши кўриб чиқилди.

Ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Жамоатчилик кенгашлари том маънода аҳоли ва давлат органи ўртасида “кўприк” вазифасини ўтамоқда. Жамоатчилик кенгашлари таркибига намунали хизмат кўрсатган меҳнат фахрийлари, жамоатчилик фаолияти соҳаларида катта амалий тажрибага эга обрў-эътиборли фуқаролар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари қабул қилинганлиги давлат органларининг фуқаролик жамияти вакиллари билан мулоқотда доим тайёр эканликларини кўрсатмоқда.

Бу ва бошқа чора-тадбирлар янги Ўзбекистоннинг янги сиёсати самараси бўлиб, унда ислоҳотларни инсон манфаатлари йўлида амалга ошириш, коррупциядан холи жамият тараққиётини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Умида ТУХТАШЕВА,
Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директор ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор

(Бошланиши 1-саҳифада)

ИНТЕГРАЦИЯ САРИ ЙЎЛ



(Бошланиши 1-саҳифада)

Минтақавий стратегия: кўп қиррали ҳамкорлик модели

Ўзбекистон Марказий Осиёни минтақавий ривожланишнинг асоси сифатида белгилаб, яқин қўшничилик тамойилларини илгари сурмоқда. ID-карта асосида чегараларни кесиб ўтиш режасининг амалга оширилиши иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, маданий яқинликни кучайтириш ва минтақа халқалари ўртасидаги интеграцияни тезлаштириш учун муҳим қадамдир. Бироқ, ушбу жараённи самарали бошқариш учун транспорт-логистика инфратузилмасини модернизация қилиш, чегарадаги операцион тўсиқларни бартараф этиш ва давлатлараро сиёсий ишончни янада мустаҳкамлаш зарур.

Марказий Осиёда ижобий динамика яратувчи стратегик алоқалар орқали Ўзбекистон ўзининг иқтисодий, сиёсий ва маданий етакчилигини таъминлай олади. Шу билан бирга, минтақавий интеграцияни фақат юқоридан бошланган дипломатик ташаббуслар билан эмас, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги мустаҳкам алоқалар орқали ҳам ривожлантириш керак.

Суверенитет ва кўпқутбли дунё тамойили

Ўзбекистоннинг янгиланаётган ташқи сиёсати “суверенитетни мустаҳкамлаш ва кўпқутбли дунё” концепцияси билан уйғунлашган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг хорижий ҳарбий базаларни жойлаштиришни тақиқлаш ва ҳарбий-сиёсий блоклардан узоқ туриш ҳақидаги тамойиллари мамлакатнинг мустақилликни сақлаш борасидаги қатъиятини ифодалайди. Ушбу позиция Ўзбекистонни нейтрал ва ишончли ҳамкор сифатида қабул қилинишига ёрдам беради.

Геосиёсий кучлар ўртасидаги рақобат муҳитида мамлакатнинг бир томонлама мажбуриятларга кирмаслиги ва фақат тинчликпарвар ёндашувларни қўллаб-қувватлаш стратегияси глобал дипломатик ҳамжамият томонидан юқори баҳоланади. Бу тамойиллар нафақат миллий манфаатларни ҳимоя қилади, балки халқаро хавфсизлик тизимининг барқарорлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшади.

ЖСТга аъзолик – иқтисодий суверенитет гарови

Жаҳон савдо ташкилотига (ЖСТ) аъзо бўлиш Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий тизимларга интеграциялашувининг асоси бўлиб, халқаро иқтисодий муносабатларда янги имкониятлар эшигини очади. ЖСТга қўшилиш орқали мамлакат савдо-сотиқ учун халқаро даражадаги ҳуқуқий кафолатларни қўлга киритиб, миллий ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириши мумкин. Бироқ, ЖСТ нормаларига мослашиш жараёнида мамлакат ўзининг миллий иқтисодий манфаатларини сақлаб қолиши, импорт ва экспорт жараёнларидаги балансни таъминлаши ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун стратегик ислоҳотларни амалга ошириши лозим. Шу билан бирга, Ўзбекистон минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини яратиб, Марказий Осиёда ЖСТ стандартларига мослашув бўйича етакчи мамлакатга айланиши мумкин.

“Soft power” тамойилининг афзаллиги

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати маданий ва интеллектуал ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали “soft power” (юмшоқ куч) тамойилларига таянмоқда. Бу йўналишда мамлакат халқаро маданий форумлар, илмий-техник ҳамкорлик дастурлари ва таълим соҳасидаги лойиҳалар орқали ўзининг ижобий имижини мустаҳкамламоқда (қиёфасини жозибали қилмоқда).

Марказий Осиё ўзининг бой тарихий мероси билан халқаро миқёсда маданий дипломатия учун улкан имкониятларга эга. Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббуслари нафақат минтақавий, балки глобал ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Шу орқали мамлакат замонавий “юмшоқ куч” воситаларини қўллашда бошқаларга намуна бўлиши шарт.

Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг бир бўлаги сифатида

Янгиланаётган ташқи сиёсатнинг асосий тамойиллари мамлакатнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Ўзбекистон халқаро ташкилотларда фаол иштирок этиб, минтақавий ва глобал даражадаги стратегик ташаббусларни илгари сурмоқда. Бу йўналишда Президент Шавкат Мирзиёевнинг минтақавий интеграция ва иқтисодий модернизацияга қаратилган сиёсати муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон глобал ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида барқарор ривожланиш, инновацион иқтисодиёт ва инсон капиталини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шу орқали мамлакат нафақат минтақавий, балки халқаро миқёсда ҳам ижобий тажриба улашувчи стратегик ҳамкорга айланмоқда.

Янги Ўзбекистон янги тарих яратади

Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун самарали ташқи сиёсат олиб бориш, дўст ва ҳамкорларимиз доирасини кенгайтириш, яқин қўшниларимиз билан минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш ўта муҳим вазифадир. Шу мақсадда Президент Ташқи сиёсат концепциясини янги таҳрирда қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ташқи сиёсатда устувор йўналиш бўлиб қолади. Келгуси йили юртимизда бўлиб ўтадиган “Марказий Осиё бешлиги” учрашуви шу йўлдаги яна бир улкан амалий қадам бўлади.

Ўзбекистоннинг янгиланаётган ташқи сиёсати миллий манфаатлар ва халқаро тамойилларни уйғунлаштиради. Минтақавий етакчилик, халқаро интеграция ва халқаро ҳамжамият билан кўп қиррали ҳамкорлик мамлакатни келгуси ўн йилликларда глобал ривожланиш марказларидан бирига айлантиради.

Чуқур ўйланган бундай стратегик ёндашув Ўзбекистонни тарихнинг янги босқичига олиб чиқади ва уни нафақат Марказий Осиёнинг, балки дунё миқёсидаги барқарор тараққиётнинг таянч нуқтасига айлантиради.

Мавлон БОБОХОНОВ,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгаши депутати



Ипак йўлида туризм

Пойтахтимизда “Ипак йўлида туризм” 29-Тошкент халқаро туризм ярмаркаси бошланди. Тадбирда Ўзбекистон, Хитой, Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон, Россия, Корея Республикаси, Қозоғистон, Германия, Таиланд, Малайзия, Чехия, Беларус, Индонезия, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа 16 давлатдан туризм соҳаси вакиллари иштирок этди.

Тадбир Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Туризм қўмитаси, “Миллий ПР маркази” давлат унитар корхонаси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси кўмагида “Теам & Со Груп” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ярмарканинг очилиш маросимида нутқ сўзлаган Умид Шодиев мамлакатимиз ҳукумати томонидан туризм соҳасида сайёҳлик бизнесини кўпайтириш, янги меҳмонхоналар барпо этиш, кўпроқ сайёҳларни чақириш учун халқаро меҳмонхона брендларини жалб қилиш ва чартер рейсларини ташкил этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

«Амалга оширилаётган ишлар яхши самара бермоқда. Мамлакатимизга келаётган хорижлик сайёҳлар сони йил сайин ортиб бормоқда. 2023-йилда бу кўрсаткич 7 миллионга яқин бўлган бўлса, жорий йилда уни 10 миллионга етказиш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз”, — деди У. Шодиев.

Экология вазири Азиз Абдуҳакимов ярмаркада намойиш этилган стендлар билан танишиб, туризмни барқарор ривожлантириш, мамлакатимизнинг табиий ва маданий меросини асраб-авайлаш нафақат хорижлик меҳмонларни жалб этиш, балки туризм индустриясини ривожлантириш ва атроф-муҳит ўртасидаги уйғунликни сақлашга ёрдам беришини таъкидлади.

Кўргазманинг ўзига хослиги Россия Федерациясининг Олтой Республикаси ва Владимир вилояти каби минтақаларидан янги экспонентлар, шунингдек, Грузия, Чехия ва Германия Федератив Республикасининг янги компаниялари иштирокида бўлди. Шунингдек, жорий йилда Хитой Халқ Республикаси Маданият ва туризм вазирлигининг Хитой Миллий павилёни билан илк бор намойиш этиши ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бу йилги ярмаркада бутун дунёдан туризм бизнеси мутахассислари: етакчи сайёҳлик ва транспорт компаниялари, йирик меҳмонхона тармоқлари, дипломатик корпуслар, туризм соҳасидаги таълим муассасалари ходимлари, МИСЕ туризм вакиллари иштирок этди.

Маълумот учун, 2023-йилда ТХТЙ маҳаллий ва халқаро ташкилотлардан 1500 дан ортиқ иштирокчиларни, “Ҳостед буерс” дастури бўйича 15 та хорижий ва 50 дан ортиқ маҳаллий сайёҳлик компанияларини, шунингдек, 30 та давлатдан 13 000 дан ортиқ меҳмонни қабул қилди. Бундан ташқари, ўтган йилги ярмаркада туризм соҳаси вакиллари ўртасида 8 мингдан ортиқ шартнома имзоланган, 20 мингдан ортиқ музокаралар ўтказилган.



БМТ билан ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда

Боку шаҳрида бўлиб ўтаётган СОП29 иқлим конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг биринчи ўринбосари Обиджон Қудратов ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро Миграция Ташкилоти (ХМТ) Бош директори ўринбосари Угочи Даниелс ўртасида икки томонлама учрашув ўтказилди.

Учрашувда В.Даниелс Ўзбекистон Миллий павилёнини ва ундаги ноёб дизайн ва маданий экспонатларни юқори баҳолади. У Ўзбекистон Миллий павилёнида “Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва Каспий денгизи минтақасида иқлим ўзгариши шароитида аҳоли миграциясининг олдини олиш бўйича минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги ёрдамчи тадбир учун миннатдорлик ва иқлим миграцияси масалалари бўйича ҳамкорликни давом эттиришга ишонч билдирди.

Маълумот учун, СОП29 доирасида Ўзбекистон Миллий павилёнида “Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва Каспий денгизи минтақасида иқлим ўзгариши шароитида аҳоли миграциясининг олдини олиш бўйича минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида ёрдамчи тадбир бўлиб ўтди. Унда иқлим ўзгариши шароитида инсон миграцияси муаммоларини ҳал қилиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда минтақавий ҳамкорликнинг роли муҳокама қилинди. Сўзга чиққанлар Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва Каспий денгизи минтақасида инсон омили ва иқлим ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш ва экотизимларни тиклаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот бердилар, шунингдек, СОП29 якуний ҳужжатларида ҳисобга олинадиган минтақавий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгиланди.

Экология вазирининг биринчи ўринбосари 2025–2030-йилларга мўлжалланган Миграция стратегиясида 2021-йилдан бошлаб иқлим ўзгариши билан боғлиқ миграция масалаларига алоҳида эътибор қаратаётган Халқаро миграция ташкилоти фаолиятига юксак баҳо берди. Учрашувда экологик муаммолар кўлами, жумладан, минтақадаги миграция сабабларидан бирига айланган Орол фожиаси алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, иқлим ўзгариши оқибатлари туфайли 2050-йилда Марказий Осиёда муҳожирлар сони 2,4 миллион кишига кўпайиши ҳақидаги прогнозлардан кескин хавотир билдирилди.

Учрашув якунида ҳамкорликни янада ривожлантириш, иқлим ўзгариши шароитида тоғли ҳудудларда инсонларнинг миграцияси билан боғлиқ, атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши соҳасида тадқиқотлар олиб бориш, иқлим миграциясига жавоб бериш учун билим, салоҳият ва техник хабардорликни ошириш бўйича келишувга эришилди.

“Қишда қушларга кўмак”



Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 129-мактабда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази ҳамда Учтепа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида “Қишда қушларга кўмак” тадбири ўтказилди.

Тадбирда мактаб ўқитувчилари, эко-фаол ўқувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этишди. Мақсад ўқувчиларда экологик маданият ва табиатга меҳр, жониворларга ғамхўрлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг атроф-муҳитни асрашга бўлган масъулиятини ошириш ҳамда аниқ, табиий ва амалий фанлар бўйича билимларини қўллашга ўргатиш, ижодий қобилиятларини рўёбга чиқаришдир.

Тадбир доирасида мактабнинг 1–7-синф ўқувчилари ўртасида чиқиндилардан қуш уяларини ясаш бўйича ижодий танлов ҳам ўтказилди. Танлов давомида болалар томонидан жами 100 та қуй уяси ясалди. Якунда энг яхши иштирокчилар муносиб тақдирланди. Бу акция энг кўп қуш ини ясалган акцияга айланди.

Маълумот учун, бу каби акциялар Экология вазирлиги томонидан доимий ўтказиб келинади. Хусусан, 3 февраль — Халқаро қушларни озиқлантириш кунига бағишлаб “Қишда қушларга кўмак” акцияси ташкил қилинган.

Экология, атроф-муҳитни муофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Ахборот хизмати



Инсоннинг бахтли ва саодатли ҳаёт кечиришининг муҳим омилларидан бири унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдир. Шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазасининг энг асосий кафолатлари эса мамлакат Конституциясида акс этади.



ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

2023 йилда Ўзбекистон халқи тарихий воқеага гувоҳ бўлди. Кенг жамоатчиликнинг ҳар томонлама муҳокамасидан сўнг янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди, бу Ўзбекистон халқининг бугуни ва келажаги учун улкан воқелик бўлди. Янги қабул қилинган Конституция нормалари Ўзбекистон халқининг демократик бошқарув тамойилларига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Конституцияга киритилган янги нормалар замирида инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадлари ётади. Конституциядаги бир қатор янги нормалар узоқ йиллар давомида халқимизни қийнаб келган муаммоларнинг ечимига қаратилгандир.

Янги таҳрирдаги Конституцияда Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат деб белгиланди. Ҳуқуқий давлат ҳуқуқ ва қонун устуворлиги таъминланган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бош қадрият ҳисобланадиган давлатдир. Конституцияда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат деб белгиланишининг ўзиёқ Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига содиқлигини яна бир бор намоён этади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойили мустаҳкамланди. Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига оид нормалар бир неча баробарга кўпайтирилди.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди. Конституцияга мувофиқ ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Яқин йилларгача халқимиз орасида “снос” номи билан маълум бўлган фуқаро ва тадбиркорга тегишли ерни давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ҳолатлари мавжуд эди. Ушбу ҳолат халқимизни узоқ вақтлар давомида қийнаб келган оғриқли муаммоларидан бири ҳисобланар эди. “Снос” ортидан қанчадан-қанча мулкдорларга мулкий зарар етказилганлиги бор гап. Қонунчиликда мулкдорга тегишли ернинг давлат ва жамият эҳтиёжлари учун олиб қўйилганда, компенсация тўланиши назарда тутилган бўлишига қарамай ерлари олиб қўйилган кўплаб мулкдорларга компенсация тўлаб берилмаганлиги ҳолатлари ҳам амалиётда учрар эди. Натижада мулкдор ҳам ерсиз, ҳам компенсация пулисиз қолиб кетар эди. Янги таҳрирдаги Конституцияда эса ушбу масалага оид қатъий норма аниқ белгилаб қўйилди. Унга кўра ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас.

Шу билан бирга Конституцияда уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши аниқ белгилаб қўйилди. Ушбу нормаларнинг Конституция даражасида белгилаб қўйилиши Ўзбекистоннинг шахсий мулкнинг дахлсизлиги тамойилига содиқлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Шунингдек, Конституцияга янги киритилган нормага кўра “Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш тартиби қонун билан белгиланади.”

Инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши учун муносиб уй-жой зарур. Бу одамларга хавфсизлик, шахсий ҳаёт ва шахсий дахлсизлик туйғусини бериши мумкин бўлган маконни тақдим этади. Бундан ташқари, уй-жой бошқа иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан, масалан, соғлиқни сақлаш, таълим ва иш билан таъминлаш имкониятларидан фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу модда ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларни уй-жой билан таъминлашни давлат мажбурияти сифатида белгилаб, ҳукуматнинг фуқароларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш тартиби қонун билан белгиланишини таъкидламоқда. Бу мажбурият нафақат ижтимоий адолат ва инсон ҳуқуқлари тамойилларига асосланади, балки жамиятнинг умумий фаровонлигига ҳам хизмат қилади. Агар одамлар арзон ва муносиб уй-жойга эга бўлса, бу жамоаларда барқарорликни таъминлайди, ижтимоий тенгсизликларни камайтиради ва инклюзив ривожланишни рағбатлантиради. Бундан ташқари, ушбу норма уй-жойни асосий инсон ҳуқуқи сифатида тан оладиган халқаро ҳуқуқ нормаларига мос келади.

Ўзбекистоннинг уй-жой ҳуқуқини давлат мажбурияти сифатида таъминлашга содиқлиги унинг халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларига мос келади ва фуқароларнинг фаровонлиги ва қадр-қимматини сақлашга содиқлигини кўрсатади. Ушбу конституциявий қоида уй-жойга бўлган эҳтиёжни самарали ҳал этиш бўйича ҳукумат сиёсати ва дастурларини йўналтирувчи асосий тамойил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон фуқароларининг муносиб уй-жой билан таъминлаш орқали нафақат халқаро ҳуқуқ доирасидаги мажбуриятларини бажарибгина қолмай, балки ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга эришади, иқтисодий тараққиётга кўмаклашади ва аҳолининг умумий фаровонлигини таъминламоқда.

Конституцияга янги киритилган нормага кўра “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади”. Албатта, меҳнат қилаётган ҳар бир инсон ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларини қондириш учун етарли маблағга эга бўлишни хоҳлайди.

Ходимларнинг ҳуқуқларини ва уларнинг ўз меҳнатлари эвазига муносиб иш ҳақи олишини таъминлаш давлатнинг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири ҳисобланади. Муносиб иш ҳақи олган инсон ўз ҳаётидан мамнун бўлади. Мазкур шахсда давлат ва унинг фаолиятига позитив ишонч хисси пайдо бўлади. Шу жиҳатдан инсон ҳаётида муносиб иш ҳақи муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу норманинг Конституцияда белгиланиши эса меҳнат қилаётган ходимнинг муносиб иш ҳақи олишининг кафолатларидан бири бўлиб хизмат қилади. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир ишловчи шахс муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Конституцияда белгиланган бу меъёр, биринчи навбатда, ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг муносиб турмуш тарзига бўлган асосий ҳуқуқи кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ҳукуматнинг ўз аҳолисини, хусусан, кам маош олувчилар фаровонлигини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш масъулиятини оширади. Давлат яшаш харажатлари ва асосий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда энг кам иш ҳақини белгилаш орқали одамларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олиш имкониятини таъминлашга ёрдам бериши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу норма даромадлар тенгсизлиги ва қашшоқликни камайтиришга ёрдам беради. Энг кам иш ҳақи муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган даражада белгиланса, жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги иш ҳақи фарқини камайтиради. Бу кам таъминланган ишчиларни қўллаб-қувватлашга ёрдам беради ва ижтимоий тенгликни рағбатлантиради, шу билан мамлакат ичида бойлик ва ресурсларни янада адолатли тақсимлашга ёрдам беради. Ушбу норма иқтисодий ўсиш ва ривожланишга ҳам таъсир қилади. Энг кам иш ҳақи ҳисобига муносиб турмуш даражасини кафолатлаш орқали одамлар ўз ишларида мотиватсия, қониқиш ва самаралироқ бўлишлари мумкин. Бу, ўз навбатида, умумий меҳнат унумдорлигини ошириши ва барқарор иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшиши мумкин. Молиявий стрессга дучор бўлмаган ходимлар ўз ишларига эътибор қаратишлари ва ўз салоҳиятларини тўлиқ ишга солишга ҳисса қўшишлари ва ўзларига ҳам, иш берувчиларига ҳам фойда келтирадилар.

Шунингдек, ушбу Конституция нормаси Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат стандартлари ва инсон ҳуқуқлари тамойилларига содиқлигини таъкидлайди. Кўплаб халқаро конвенциялар ва келишувларда эътироф этилган инсон ҳуқуқларининг асосий жиҳати муносиб турмуш даражасини таъминлашдир. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ҳар бир ишловчи шахс муносиб яшашини таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланган. Ўзбекистон ушбу меъёрни ўз конституциясига киритиб, глобал меъёрларга, мамлакат ичида инсон ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилишга содиқлигини намойиш этади.

Бу инсон ҳуқуқлари ва фаровонлигининг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади, ижтимоий-иқтисодий тенгликка ҳисса қўшади, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Конституцияга аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида киритилган ушбу янги нормалар халқимиз узоқ йиллар сабр кутган муаммоларга ечим беришга қаратилган. Ўзбекистон Конституциясига ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг янги нормаларининг киритилиши бир қанча сабабларга кўра катта аҳамиятга эга.

Ушбу нормалар мамлакат ичидаги қашшоқлик ва тенгсизликни камайтиришга қаратилган. Бундай чора-тадбирлар ҳеч кимнинг ортда қолмаслигини таъминлаш орқали адолатли жамият қуришга ёрдам беради. Конституцияга киритилган бу меъёрлар Ўзбекистонда ижтимоий адолат, фаровонликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилоят
Оҳангарон туманлараро судининг
судьяси.

“Анзират, яна бир туширайми?!” Халқимиз севиб томоша қиладиган “Суюнчи” фильмидаги Ҳожимурод отанинг ўғли нега калтак егани эсингиздами? Уч ойдан бери касалхонада ётган отасини бориб кўрмаганлиги учун. Шунда Анзират она “...Кун-у тун деразага қараб, мўлтиллаб ётади. Нега шу вақтгача тузалиб кетмади, деб хаёлингга ҳам келтирмадингми ақалли?”, дея бемехр фарзандни койийди. Кейинчалик инсофга кирган ўғлининг ғамхўрлиги сабабли соғайиб кетган Ҳожимурод ота Анзират бувига “Эшитишимча, ўғлимни хафа қилибсан. Ўғлим яхши, барака топсин. Ҳаттоки, касалхонага мени кўргани бориб, янги пиёла билан чойнак олиб келди-я”, дейди.

ЧИҚИНДИХОНАДАН ТОПИЛГАН ОНА



Ёки ижтимоий ҳимоя мехрнинг ўрнини боса оладими?

Ҳар гал якка-ёлғиз кексалар билан мулоқот қилганимда, хаёлимда фильмнинг айнан шу эпизодлари гавдаланади. Балки ёлғиз кексалар фарзандларини кутиб, соғиниб яшаётганлиги, кераксиз, эскирган буюмдек ташлаб кетишган бўлса-да, гина-кудрат сақламаслигини билганим учундир. Балки бугун Анзират онадек маҳалласининг “виждон”ига айлана оладиган инсонлар камлиги, бешафқат, бемехр фарзандларни инсофга чақирадиган оқсоқоллар камайиб кетганлиги сабаблидир. Қийин мулоҳаза. Лекин бир нарса аниқ — ҳеч бир ота-она бундай хўрликларга лойиқ эмас.

Каттақўрғон туманида яшовчи 87 ёшли Баҳора (исми ўзгартирилди) ая яқин-яқингача чиқиндихоналардан озиқ-овқат қолдиқларини териб кун кўрган экан. Уйи бўлса бор, аммо унда ўзидан бошқа инсон йўқ. Эрта тонгдан қўлига эски пақирчасини олиб, кўча кезади, чиқиндихоналарни титкилайди. Бу фақат киноларда бўладиган уйдирма ёки бўрттириб кўрсатилган воқеага ўхшайди. Лекин биз ҳозир аниқ инсон ва аниқ ҳолат ҳақида гапиряпмиз.

Баҳора ая ёлғиз она, икки фарзандини эрта тупроққа қўйган. Ягона ўғли эса улғайиб, Россияга ишлаш учун кетгану қайтиб келмаган. Унинг катта бир ҳовлида, ўнлаб йилларни ёлғизликда қандай ўтказганлигини тасаввур қилиш қийин. Бундай ҳаёт тарзи онахоннинг руҳиятига ҳам салбий таъсир қилган. Бироқ у ҳеч ким билан яқин мулоқотга киришишни истамаган ва ёрдам қўлини ҳам қабул қилмаган. Бунинг сабаби бор ва у қалбларни жунбушга келтирадиган даражада асосли.

— Онахонни чиқинди қутиларини титкилаб юрган вақтида топганман, — дейди туман “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ассистенти Озода Зиёдова. – Кейин у ижтимоий ҳимояга олинди, унга ғамхўрлик қилиш вазифаси ҳам ўзимга ишониб топширилди. Бошида у бизни уйига ҳам киритмас, мулоқотга киришмоқчи бўлсак, жиғибийрон бўлиб, ҳақорат қилишга тушарди. Кўпчилик уни руҳий касалга чиқарди. Кейин билсак, онахон атрофидагиларга атай шундай қўполлик қилар экан. У сохта мехрибонлар уйини тортиб олишидан қўрққан. Бунгача кўплаб шундай одамлар унга уйни номига ўтказиб бериши эвазига ғамхўрлик қилиш таклифини бераверіб, жонидан тўйдирган. Ёлғиз она, ёлғиз аёл ўзини бошқача йўл билан ҳимоя қилиши қийин эди. Онахон доим уйим ўғлимга қолиши керак, бўлмаса у қийналиб қолади, дея такрорлайди.

Тасаввур қиляпсизми, она уни ёлғиз ташлаб кетган фарзандини ўйлаяпти. Уни айбламаяпти, гина ҳам қилмаяпти. Умримнинг охирида бўлса ҳам кўриб, омонатимни топширсам эди, деяпти.

Бугунги кунда Самарқанд вилоятида ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кекса, ёлғиз яшовчи ва ногиронлиги бўлган шахслар 1901 нафарни ташкил қилади. Ҳар бирининг ўз ҳикояси, ҳақиқати бор. Улар уйига ҳисобот учун совға-салом билан келадиган одамларга қалбини очмайди. Улар сотқинлик, алдов ва сохтагарлик нима эканлиги ва оқибатларини синаб кўришган, ҳеч кимга ишонишмайди. Улар мақолангиз учун чиройли интервю ҳам бера олишмайди. Уларга ёрдам беришдан олдин буни тушунишингиз, ҳаёт синовлари қаршисида ёлғиз қолган инсонларнинг кечинмаларини, оз бўлса-да, ҳис қилишга ўрганишингиз керак.

— Туманимизда ёлғиз яшовчи кексалар 56 нафарни ташкил қилади, — дейди Нуробод тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази бош мутахассис психологи Нигора Ҳайитова. — Фаолиятимиз давомида турли вазиятларга дуч келамиз. Лекин бир нарса аниқ, ёлғиз кексалар билан ишлаш осон эмас. Сабаби улар бу даврда ёш боладек таъсирчан бўлади. Шунга қарамай, ҳеч кимга ишонишмайди. Ҳаёт қийинчиликларининг асорати бу. Жараёнда энг масъулиятли вазифа ассистентлар зиммасига тушмоқда. Улар ўзига бириктирилган кексаларнинг ишончига кириши, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзига юклатилган вазифани виждонан бажариши керак. Шунинг учун биз жамоамиз билан ҳам психологик курслар ўтказиб, уларни ҳам руҳиятини ҳимоя қилишимиз, ҳам ишни тўғри йўлга қўйишни ўргатиб боришимиз керак.

Дарҳақиқат, ижтимоий соҳага қаратилаётган эътибор жамиятда фаровонлик кўрсаткичи ошиши, хусусан, ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг ҳаёти яхшиланишига хизмат қилмоқда. Лекин у инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг ўрнини боса оладими? Бир майизни қирқ бўлиб еган элда ота боласи учун алимент тўлашдан бўйин товласа, она боласини ташлаб хорижга қочиб кетса, болалар улғайиб, ота-онасини ёлғиз қолдирса, қаерга қараб кетяпмиз, дегинг келади.

Психологнинг таъкидлашича, давлатнинг минг қилгани, фарзаднинг бир қилгани ўрнини боса олмайди. Кузатувларимиз давомида бунинг исботини ҳам кўп кўрдик. Ота-она, нобакор бўлса-да, ўз фарзиндини ардоқлайди ва ундан меҳр кутади. “Типратикан боласини юмшоғим дейди”, “Қўнғиз боласини оппоғим дейди”, деган нақллар ҳам шундан. Ҳар кимга ўзиники азиз.

— Ёлғиз яшовчи кексаларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим йўналиши – унинг қариндошлари билан алоқани тиклаш ҳисобланади, — дейди Нигора Ҳайитова. — Албатта, биринчи навбатда уларнинг фарзандлари қидирилади. Топсак, суҳбатлашиб, инсофга чақиришга ҳаракат қиламиз. Тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, бундай вазиятга кўпинча фарзандларнинг илмсизлиги сабаб бўлади. Уларга лозим даражада таълим ва тарбия бермаган, ҳаёт фақат моддиятдан иборат, деб ўйлаган ота-оналар кўпроқ шундай аҳволда қолади. Тушунтириш ишларидан кейин хатосини англаб, ота-онасига ғамхўрлик қилишни бошлаганлар борлигининг ўзи катта ютуғимиз.

Глобаллашув жамиятимизни ҳам ўзгартириб бормоқда, буни инкор этиб бўлмайди. Шиддатли бу жараёнда меҳр ва оқибат, самимият, орият ва бошқа инсоний фазилату туйғулар унутиляпти. Маҳаллада гап бўламанку, одамларни юзига қандай қарайман, дейдиган одамлар кам қолди. Ҳеч ким ҳеч кимдан уялмайди, манфаат ориятдан устун келмоқда. Шундай экан бу муаммони ижтимоий хизматнинг ўзигина ҳал қила олмайди. Шу кетишда бўлса, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар сони фақат ортади. Биз унинг асоси, келиб чиқиш сабабини бартараф этишимиз, хусусан тўғри яшашнинг унутилган миллий моделини қайта тиклашимиз керак. Ҳозир эса ишни ота-онасини қаровсиз қолдирганларни мажбурий тартибда “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ёки “Саховат уйлари”да волонтёрлик қилиш, психолог қабулига қатнашни қонун даражасида мустаҳкамлашимиз зарур. Боиси бошқа мажбурлаш йўллари уларда меҳр учқунини ҳосил қила олмайди. Ва, аксинча, меҳр ёки пул беришга мажбурлаш тескари натижа бериши мумкин. Шундай экан, уларга кексалик нима эканлигини ва ўзлари ҳаётининг айни даврида қандай яшашни исташларини амалий тарзда кўрсатишимиз керак.

Баҳора ая масаласига келсак, уни охирги маротаба кўрганимизда туман шифохонасида даволанаётган эди. Ассистент Озода Зиёдова ҳар доимгидек унинг ёнида. Айтганча, Озода опа онахоннинг хориждаги ўғли билан боғланишга эришибди. Тушунтириш ишларидан кейин у маълум муддатга бўлса-да, уйига қайтишга рози бўлган. Бу хабарни эшитган Баҳора ая даволанишга рози бўлган. Ҳозир ундан бахтлироқ она йўқ дунёда.

Асқар БАРОТОВ



Электромеханика ўзига хос жозибали ва аниқ мақсадларга йўналтирилган фанлардан бири. Электромеханика — бу электр энергиясини ишлаб чиқариш ва ишлатиш, унинг оқимларини бошқариш ва ҳар хил турдаги энергияни электр энергиясига айлантириш учун фойдаланиладиган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари ва усуллари тўпламини ўз ичига олган технологиянинг бир қисми.

Тажриба ва амалиёт

Шундай қилиб, электромеханика замонавий цивилизациянинг моддий маданиятига сезиларли таъсир кўрсатадиган фундаментал фандир.

Бекобод шаҳар касб-ҳунар мактабининг “Электромеханика” кафедраси аъзолари ана шу нуқтаи назардан олиб қараганда барча саъй-ҳаракатларини талаба-ёшларнинг юқори малакали, сифатли мутахассис бўлиб камол топишига қаратишган. Кафедрада ҳозирда 13 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари фаолият олиб боради. Барча фанлардан ДТС, намунавий ўқув дастурлар, ишчи-ўқув дастурлари, режа асосида технологик хариталар, маъруза матнлари тўплами, турли ҳил тарқатма материаллар ва жиҳозлар, кўргазмали қуроллар асосида ўқув-услубий мажмуалар тайёрланган ва булар дарс жараёнида қўлланилмоқда.

Кафедра аъзолари томонидан ўтган ўқув йили учун тегишли барча дастурлар, ўқув-услубий, ҳужжатлар муҳокама қилиниб, шу асосда ишлар ташкил қилинди. Айниқса ўқув ишлаб чиқариш амалиётлари учун “профессионал таълим муассасалари фаолиятига оид” семинарнинг ўтказилганлиги жамоа учун фойдали бўлди.

Бевосита кафедра аъзоларининг ташаббуси билан “Ўзметкомбинат”АЖ, “Электр таъминоти” корхонаси мутахасислари билан учрашувлар ташкил этилиб, бунда бўлажак мутахассислар ўзларига керакли бўлган зарур кўникма ва маълумотларни олдилар. 465-сонли буйруқ асосида ўтказиб келинаётган доимий семинарлар ҳам кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, кафедранинг илғор ишлаб чиқариш таълими усталаридан Феруза Худоярова, Зилола Жониқулова, Фотима Жамбилова ва бўлим бошлиғи Жаҳонгир Душабоевларнинг устоз сифатидаги саъй-ҳаракатлари таҳсинга сазовор. Айниқса бу устозлар иқтидорли талабалар билан кўпроқ ишлашга эътибор қаратишган.

Олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув юртлари, корхона ва ташкилотлар билан яхшигина ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Кафедрага қарашли 2-босқич ўқувчиларидан 5та гуруҳ “Ўзметкомбинат”АЖда ва 2та гуруҳ шаҳар корхоналарида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташади. Касб-ҳунар мактабида кафедра ташаббуси билан ўтказиб келинаётган турли хил тадбирлар ўқувчиларнинг амалий билимларини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда. Яқинда кафедра аъзоси, маҳоратли таълим устаси Феруза Худоярова ташаббуси билан Бекобод шаҳар Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми билан ҳамкорликда “Фавқулодда ҳолатларда тез тиббий ёрдам кўрсатиш” бўйича маҳорат семинарининг ўтказилганлиги ҳам ана шулар жумласидандир. Умуман олганда, жадал кириб келаётган яшил энергетиканинг тараққиётида бугунги ҳаётий кўникмалар муҳим аҳамият касб этади.

Мардиқул БОЗОРОВ,
Бекобод шаҳар касб-ҳунар мактабининг ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари

Ходимлар ҳуқуқий билимларини оширди

Мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг эмас, балки бутун жамият ишидир. Хусусан, коррупцияга қарши самарали курашиш учун ҳам барчанинг бу борадаги билимини кучайтириш, муросасизлик муҳитини шакллантириш зарур.



Шу мақсадда давлат идоралари ва турли корхоналарда маърифий-ҳуқуқий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ахборотлаштириш Бош марказида комплеанс назорати йўлга қўйилган.

Яқинда марказда “Биз коррупцияга қаршимиз” мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда ходимларга Ҳуқуқни ҳимоя қилиш академиясининг “ProAcademy” платформаси орқали манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича қўшимча маълумотлар берилди. Семинар якунлари бўйича тест синови ўтказилиб, малака сертификатлари тақдим қилинди.

Бир неча кунлик семинар давомида ходимлар коррупция иллатининг давлат ва жамиятга зарарларини теранроқ англади. Жумладан, бу лотинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бузиш, пора эвазига оғдириш” деган маъноларни англатади. Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолиятдир.

Ўзбекистонда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” қонун қабул қилинган, махсус агентлик тузилган. Шунингдек, бу йўналишида Миллий кенгаш фаолияти йўлга қўйилиб, Сенат раиси унга раҳбарлик қилади.

Сўнгги беш йилда “Коррупциянинг мавжуд эмаслиги” кўрсаткичида Ўзбекистон 23 поғона юқори кўтарилиб, 2023 йилда 140 та мамлакат орасида 66-ўринни эгаллади ва Марказий Осиё минтақасида бу йўналишда сезиларли ижобий кўрсаткични намойиш этди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини баҳолаш бўйича “Очиқлик индекси” жорий этилди. Баҳолаш натижаларига кўра, “қониқарсиз” деб топилган давлат ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари Миллий кенгаш йиғилишларида эшитиб борилмоқда.

Бироқ, бу борада ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам етарли. Ўтган йили коррупцияга оид жиноятлар 12 фоизга камайган бўлса-да, 6 минг 500 нафар шахс коррупцияда айбланиб, жавобгарликка тортилган.

Шу боис коррупцияга қарши курашиш бўйича жамоатчилик назоратини, бутун жамиятимиз иштирокини янада кучайтириш зарур. Бунда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик муҳитини шакллантириш жуда муҳим.

Дилшод САРИХОДЖАЕВ,
Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош маркази директори

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1010
Адади: 1115.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



«Эсар Жайҳун шамоллари...»

Санъатга бахш умрнинг сўнгсиз мўъжизаси бор,
У дунёни тарк этса ундан дунё қолади.
Инсон умри сарҳадлик, санъат умри пойиндор,
Навосоз юракларда ўлмас наво қолади.

Ҳар гал Эркин Воҳидов қаламига мансуб ушбу сатрларни ўқиганда ўзбек санъати ва маданиятини дунёга танитган соҳанинг атоқли намояндалари, машҳур ҳофизлар хаёлимизга келади. Шулар қатори “Қўш соҳил булбули” дея ном олган, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон ва Татаристон халқ артисти унвонлари ва давлат мукофотларига сазовор бўлган беназир овоз соҳиби Отажон Худойшукуров сиймоси ҳам кўз олдимизда гавдаланади.

Гарчи қисқа умр кўрган бўлса-да (1944-1994), Отажон Худойшукуров нодир истеъдоди, бетакрор, сеҳрли овози ва ўзига хос ижро услуби билан санъатсевар халқимизга салмоқли мусиқий мерос қолдирган хонандалардан бири саналади.

Ҳар бир муваффақият ва унинг эътирофи заминида, шубҳасиз, интилиш ва улкан меҳнат туриши табиий. Болалигидан сўз ва созга иштиёқманд бўлғуси хонанда ўзбек мумтоз қўшиқчилиги дарғалари, айниқса, Ҳожихон Болтаев, Мадраҳим Ёқубов – Шерозий, Комилжон Отаниёзов сингари машҳур ҳофизларга шогирд ва издош бўлишдек эзгу ният йўлида астойдил интилиб, изланиб ўз ижро услуби ҳамда маҳорат мактабини ярата олди.

Алишер Навоий, Фузулий, Машраб, Огаҳий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа улуғлари ғазаллари билан айтиладиган тароналар, Хоразм мақом йўлларидаги ашулалари қаторида Ибройим Юсупов, Омон Матжон, Эркин Самандар, Ошиқ Эркин каби замондош шоирлар шеърлари асосида ижро этган қўшиқлари билан минглаб мухлисларнинг эътибор ва эҳтиромига сазовор бўлди. Айниқса, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов шеъри билан жўшқин бир оҳангда куйлаган “Жайхун шамоллари” қўшиғи ҳофизга алоҳида шуҳрат келтирди.

Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳофизнинг дўсти ва ҳамкори бўлган халқ шоири Омон Матжон “учинчи дарё” дея таърифлаган Отажон Худойшукуров маданиятимиз ривожи йўлидаги беназир хизматлари, дилтортар тароналари билан Ўрта Осиёдаги ва хориждаги кўплаб туркийзабон халқларнинг меҳрини қозона олган, бинобарин, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўша олган санъаткордир.



Отажон Худойшукуров ижро мактабидан сабоқ олган, уни ўзига устоз деб билган ўнлаган истеъдодли издошлари бугунги кунда эл назарига тушиб эъзоз ва эътиборга, ҳатто юксак унвонларга сазовор бўлишмоқда. Шу боисдан ҳофиз ижодий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Мусиқа мактаблари, олийгоҳларда унинг ижро услуби ёш истеъдод эгаларига ўргатиб келинмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл туманида Отажон Худойшукуров уй-музейи фаолият кўрсатмоқда.

Хива шаҳар, Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси ҳудудидаги Қози Калон тарихий-меъморий ёдгорлигида “Хоразм мусиқа тарихи” музей бўлими жойлашган бўлиб, у ердаги қадим Хива хонлиги давридан бошлаб то бугунги кунгача бўлган даврдаги санъат ва мусиқа тарихидан ҳикоя қилувчи экспозициялар ўрин олган. Таниқли санъаткорлар Ҳожихон Болтаев, Шерозий, Комилжон Отаниёзов, Матниёз Юсупов, Олмахон Ҳайитова, Ортиқ Отажонов ва бошқа кўплаб санъаткорлар қатори Отажон Худойшукуров ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўргазмани ҳам маҳаллий ҳамда хорижлик сайёҳлар катта қизиқиш билан томоша қилишади.

Кўргазма ва экспозицияларда нодир осориатиқалар билан танишиш баробарида ташриф буюрувчилар учун видео ва аудиоёзувлар орқали санъаткорлар ижросидаги ашулалардан тинглаб томоша қилиш имконияти ҳам яратилган.

Отажон Худойшукуровлар сулоласи вакиллари ҳамкорлигида ҳофизга бағишланган кўргазмани янги экспонатлар билан бойитиш бўйича иш олиб борилмоқда. Айни кунларда республикамизнинг турли жойларида Отажон Худойшукуров таваллудининг 80 йиллигига бағишланган маданий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳрида, яқинда эса Элликқалъа тумани маркази — Бўстонда ўтказилган тантанали анжуманлар ўзига хос маданият ва санъат байрамига айланди.

Анжуман доирасида ташкил этилган ҳофиз фаолиятидан ҳикоя қилувчи фотокўргазма, ёш рассомларнинг Отажон Худойшукуров сиймосини акс эттириш мавзусидаги маҳорат машғулоти ҳамда катта концерт дастури иштирокчиларга чексиз завқ бағишлади.

Ёш истеъдод эгалари билан бир қаторда севимли санъаткорнинг издошлари саналган Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари, ака-ука Ғофуржон ва Ғуломжон Эшчонов, Ўзбекистон халқ ҳофизлари — Фарҳод Давлетов, Сойибжон Ниёзов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Сададдин Сапоев ва бошқалар томонидан Отажон Худойшукуров репертуаридан ўрин олган қўшиқлар ижроси олқишлар билан кутиб олинди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсуповнинг қуйидаги эътирофи элдошларимиз ва қардош халқлар санъатсеварлари меҳрини қозона олган ҳофизнинг хизматларига муносиб баҳо десак янглишмаймиз: “Отажоннинг Навоий, Бердақ, Махтумқули, Машраб, Огаҳий каби улуғлар ғазалларига, замонамизнинг бир қатор забардаст шоирлари шеърларига басталаган ажойиб тароналари асрлардан асрларга, наслларлардан наслларга ўтиб бораверишига аминман.”

Дарҳақиқат, қайси соҳа бўлмасин, эл-юрт учун умрини, истеъдодини бағишлаганларни халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Комилжон АМИНОВ,
Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси бўлим мудири.
Гулчира ЭГАМОВА,
музей-қўриқхона катта илмий ходими.

